

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**78** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сон қарорига мувофиқ, шунингдек иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидаги инвестиция лойиҳалари айрим банклар томонидан самарали молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 6 февраль,  
59-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 6 февралдаги 59-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида» 2016 йил 10 февралдаги

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

33-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 6-сон, 56-модда):

а) 1-иловадан «Банклар» қатори ва 13, 16-позициялар чиқариб ташлансин;

б) 2-иловадан «Банклар» қатори ва 64-позиция чиқариб ташлансин;

в) 3-илованинг «Банклар» бўлимига қуйидаги мазмундаги 168<sup>4</sup> — 168<sup>6</sup>-позициялар қўшилсин:

« 168 <sup>4</sup> .	«Асака» АТБ	Тошкент шаҳри
168 <sup>5</sup> .	«Ипотека-банк» АТИБ	Тошкент шаҳри
168 <sup>6</sup> .	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	Тошкент шаҳри

».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 августдаги 252-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 32-сон, 388-модда) билан тасдиқланган 2016 йил 31 декабргача бўлган муддатда хорижий инвесторлар жалб этиладиган акциядорлик жамиятлари рўйхатида:

а) 30, 32 ва 33-позициялар чиқариб ташлансин;

б) 31-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

« 31.	«Алоқабанк» АТБ*	Тошкент шаҳри
-------	------------------	---------------

»;

в) 34-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

« 34.	«Гурон банк» АТБ*	Тошкент шаҳри
-------	-------------------	---------------

»;

г) қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«\* 2017 йил 31 декабргача бўлган муддатда хорижий инвесторлар жалб этиладиган акциядорлик жамиятлари».